



HISTORICAL REALITIES AND PHILOSOPHICAL IDEALS: DIALOGUES ACROSS DISCIPLINES

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL
CONFERENCE**

**TASHKENT, SEPTEMBER
20, 2025**



TSUOS.UZ



TSUOS



TSUOS.UZ

**MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE
AND INNOVATION OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES**

**RESEARCH CENTER FOR THE STUDY OF EASTERN
CULTURE AND HERITAGE**

**HISTORICAL REALITIES
AND PHILOSOPHICAL IDEALS: DIALOGUES ACROSS
DISCIPLINES**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL
CONFERENCE**

Tashkent, September 20, 2025

International Scientific-Practical Conference “Historical realities and philosophical ideals: dialogues across disciplines”[Text]/ – Tashkent: Tashkent State University of Oriental Studies, 2025. -698 p.

This collection contains the materials of the international scientific-practical conference “Historical Realities and Philosophical Ideals: Dialogues Across Disciplines.” The volume includes articles dedicated to the theoretical and practical issues of interdisciplinary approaches in historical research, the history of the interconnected development of Eastern regions, current problems of historical source studies and historiography, the significance of interdisciplinary studies in exploring tangible and intangible cultural heritage, as well as the main directions of Eastern philosophy and culture. The authors of the articles are leading experts in their respective fields and young researchers.

Chief editor:

Mirzohid Askarov

Editorial board:

B.Zokirov, Sh.Yodgorov, M.Khubbaliyeva, M.Turdikhujayeva,
M.Nabiyev, R.Isakov, G.Abduvakhobova, Sh.Abdurasulov, G.Jumayev

The conference materials were reviewed by the Academic Council of the Faculty of “Eastern Civilization and Philosophy” at Tashkent State University of Oriental Studies and recommended for publication (No. 3, dated October 23, 2025).

CONTENTS

PREFACE.....	3
--------------	---

SESSION №1

THEORETICAL AND PRACTICAL ISSUES OF INTERDISCIPLINARY APPROACHES IN HISTORICAL RESEARCH

<i>Iskhakov M.</i> Social anthropology, its interdisciplinary scientific and educational features.....	5
<i>Doniyorov A.</i> Historical roots of interethnic harmony and tolerance in Uzbekistan.....	11
<i>Khaydarov I.</i> The industry of Uzbekistan during the “perestroika” policy (1985–1990).....	20
<i>Khaydarov I., Ruzikulova Z.</i> The economic crisis of the Timurid empire and its social consequences.....	28
<i>Rasulova N.</i> Views on the formation of political parties and their theoretical-conceptual foundations.....	38
<i>Alimova R.</i> The significance of interdisciplinary approaches in studying the history of foreign trade relations of the Bukhara emirate in the early 20th century.....	49
<i>Madraimov A.</i> Shahrukh Mirza and the sending of the kiswah for the Kaaba: religious, political, and cultural significance.....	57
<i>Madraimov A., Eshmurodov B.</i> Strict discipline and personnel policy in the army of Amir Temur.....	62
<i>Askarov M.</i> The level of study of the topic of modern uzbek identity.....	74
<i>Zokirov B.</i> On interdisciplinary approaches to the study of ethnotoponyms.....	81
<i>Pardayev M.</i> Archaeological research conducted in the Sokh basin.....	89
<i>Sharifiy N.</i> A glance at the history of the spiritual administration of muslims of Central Asia and Kazakhstan.....	103
<i>Gaziyeva G.</i> Relations between Uzbekistan and Saudi Arabia in the context of interdisciplinary research and trans-civilizational cooperation.....	110

SESSION №2

GLOBAL HISTORY: THE INTERCONNECTED DEVELOPMENT OF EASTERN REGIONS

<i>Madraimov A.</i> Historical realities and philosophical ideals in the era of the Timurids and Boburids: interdisciplinary dialogues.....	119
<i>Abdullayev N., Abdimanapova F.</i> Political instability in Turkey between 1970 and 1980 and its consequences.....	125

АМИР ТЕМУР АРМИЯСИДА ЎРНАТИЛГАН ТЕМИР ИНТИЗОМ ВА КАДР СИЁСАТИ

Аскарый Мадраимов

Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, PhD.

askariy_madraimov@tsuos.uz

<https://orcid.org/0009-0000-2238-2888>

Баҳодир Эшмуродов

Тошкент давлат шарқшунослик университети магистранти

Калит сўзлар: Амир

Темур, Соҳибқирон, армия, ҳарбий интизом, жиноят ва жазо, кадр сиёсати, сафарбарлик, Темур тузуклари, ўнбоши, юзбоши, мингбоши, туман, бекларбеги, товачи.

Аннотация: Мазкур мақолада жаҳон

тарихида ёрқин из қолдирган буюк саркарда Амир Темур томонидан ўз даврининг энг қудратли армиясини шакллантириш ҳамда марказлашган йирик давлат барпо этишда муҳим ўрин тутган ҳарбий интизом ва кадр сиёсати ёритилган. Ўз навбатида, мавзу юзасидан ўзбек тарихчилари томонидан мустақиллик йилларида ёзилган илмий адабиётлар тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганилиб, манбалар ва хориж тадқиқотчилари маълумотлари билан тўлдирилган ҳамда муаммоли томонлари талқин этилган. Соҳибқирон қўшинидаги сафарбарлик тизими билан боғлиқ жиҳатларга ҳам мақолада алоҳида эътибор қаратилган.

IRON DISCIPLINE AND PERSONNEL POLICY IN THE ARMY OF AMIR TEMUR

Askariy Madraimov

PhD, associate professor, Tashkent State University of Oriental Studies

askariy_madraimov@tsuos.uz

<https://orcid.org/0009-0000-2238-2888>

Bakhodir Eshmurodov

Master's student, Tashkent State University of Oriental Studies

Key words: Amir Temur, **Abstract:** This article discusses the military Sahibkiran, army, military discipline and personnel policy of the great discipline, crime and commander Amir Temur, who left a distinct mark on punishment, personnel world history, which played an important role in policy, mobilization, forming the most powerful army of his time and

"Timur's Laws" or "Temur building a large centralized state. Meanwhile, from Tuzuklari", foreman a historiographical point of view, scientific literature (unboshi), centurion written by Uzbek historians during the years of (yuzboshi), thousander independence on this topic has been studied, (mingboshi), tuman, supplemented by sources and information from beklarbegi, tovachi. foreign researchers, and problematic aspects have been explained. The article also pays special attention to aspects related to the mobilization system in the Sahibkiran army.

КИРИШ

Тўғри йўлга қўйилган кадрлар сиёсати ва шахсий таркибнинг ички тартиб-интизомга риоя этиши, нафақат армия, балки ҳар қандай идорани ривожланиб бораётган дунё талабларига ҳар томонлама жавоб беришини таъминлайдиган асосий унсурлардан саналади.

Ушбу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан "Халқимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аجدодларимизнинг, энг аввало, Амир Темурнинг бебаҳо мероси, Ватан озодлиги ва фаровонлиги йўлида ўзини қурбон қилган замондош ватандошларимизнинг қаҳрамонлиги асосида, Ўзбекистон халқига содиқ, қатъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ўқувчиларни тарбиялаш¹" долзарб этиб белгилагани муҳим саналади.

Шу сабабли Соҳибқирон армиясида ўрнатилган темир интизом ва кадр сиёсатини ўрганиш, тадқиқ этиш ва бу борадаги тадқиқотларни таҳлил этиш ҳамда мавзунинг кам ёритилган ёки очилмаган тарафларини ўрганиш ҳозирги даврда ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган жамоалардаги самарали ички тартибни сақлаш ва кадрлар сиёсатини юритишда фойдали ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, қиёсий ҳамда тарихий таҳлил каби умумилмий усуллардан фойдаланилди.

Манбалар ва адабиётлар таҳлили асосида Амир Темур ўз қўшини ва ғанимга руҳий таъсир етиш усуллари кўриб чиқилади.

НАТИЖАЛАР

Ўзбек тарихчилари ва шарқшунос олимларининг илмий тадқиқотларида Амир Темур армиясида бошлиқ ва бўйсунувчи

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375 сонли «Ўсмирларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. <https://lex.uz/docs/4417961>.

ўртасида ўзаро ҳурмат, ҳарбий жамоаларда қонун устуворлиги ва бағрикенглик ғоялари бирламчи бўлганлиги таъкидланади.

Манбалардаги маълумотлар таҳлил этилган илмий изланишларга кўра, Соҳибқирон ҳарбий бўлинмаларни бутлаш ва жангчиларни саралаш, қўшинда мустаҳкам интизом ўрнатиш каби ҳарбий бошқарувнинг муҳим компонентларини амалиётда деярли бенуқсон йўлга қўя олган.

Хусусан, Ўзбекистон қуrolли кучлари академияси илмий ходимлари ва тарихчи олимлар ҳамкорлигида ёзилган **“Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъати”** китобида ёзилишича, Амир Темур ҳам ўзидан аввал ўтган саркардалар каби юртни бошқаришда, уларнинг тинчлигини таъминлашда, атрофдан бўладиган ҳужумлардан ҳимояланишда ҳарбий таълим кўрган, чиниққан ва интизомли қўшинга эга бўлиш кераклигини яхши билган¹.

Қўшиннинг ҳар бир қўмондони ва аскарига тааллуқли мажбуриятлар ва ҳуқуқлар аниқ белгиланганлигини енгилмас баҳодирнинг ҳарбий низоми сифатида танилган **«Темур тузуқлари»**да яққол кўриш мумкин. Жумладан, «Қирқ минг отликдан ортиқ сипоҳ фавжларини (ҳарбий бўлинма) сафга тизиш тузуки»да келтирилишича, «Агар ғаним лашкарлари қирқ минг отликдан ортиқ бўлса, бекларбегилар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, баҳодирлар ва бошқа сипоҳийлар менинг зафарли байроғим остида бўлсин ва амру фармонимни кутсин. Амр этдимки, қайси бир сипоҳий фавж амирига ёрлик (жанговар буйруқ) юборсам, ундаги ҳукмга биноан иш тутсин ва унга хилоф иш қилмасин. Бекларбеги ёки амирлардан биронтаси ҳукмга хилоф иш тутса, уни қиличдан ўтказиб, ўрнига амир бўлишга лойиқ ўринбосарини қўйсинлар»².

Бундан кўриниб турибдики, Амир Темур ҳатто жангнинг таҳликали ҳолатида ҳам қўшинни интизомга чорлаган ва унинг амрини бажармаганларни қаттиқ жазолаган.

Ҳарбий бошлиқларнинг ваколати доирасида уларга бўйсунитишни хушламайдиган, хизмат бурчини ўташдан бош тортадиган ва интизомни бузадиган бўйсунувчиларни жазолаш, уларни ҳайдаб юбориш ва ўрнини бошқа жангчилар билан тўлдириш кирган. Амир Темур жисмоний жазо беришни

¹ Р.Самаров, С.Ахроров, Ж.Холмўминов, С.Садриддинов. Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъати. – Тошкент. 2022. 155-157 б.

² Темур тузуқлари. – Тошкент. 1991. 104–105-бетлар.

ёқтирмаган, «ҳокимияти қамчи ва калтақдан нарига ўтмаган бошлиқ, эгаллаб турган лавозимига муносиб эмас» деган ақидага амал қилиб, бу турдаги жазони тақиқлаган¹.

Шарофиддин Али Яздийнинг маълумот беришича, *мурчил* – белгиланган сафар тартибида ҳар бир ўнбоши (ўнбеги, айлбоши), юзбоши (юзбеги, қўшунбоши), мингбоши (мингбеги, амири ҳазора) ва туманбоши (туманбеги, туман оғаси) ўз даражаси, мавқеи ва сафда эгаллаган ўрни – *будалга* қараб қисм ва бўлинмалари билан интизомга қаттиқ риоя қилган ҳолда жанговар тартибда ҳаракат қилишган². Тартибни бузганлар Олий бош қўмондон томонидан қаттиқ жазоланганлар.

Соҳибқирон давлатида сипоҳийларнинг жиноят ва жазо масалалари қаттиқ қўйилган. З.Иноғомжоновага кўра, Сипоҳийларнинг соқолини қириб, юзига упа суриб шаҳар кездирилиши ўлим билан баробар жазолардан саналган. Амир Темур ўз бегига ихлос қўйган ва сидқидилдан хизмат қилган навкарнинг бойлиги, давлати, ноз-неъматни кундан-кун ортиб борса, унинг акси бўлганда, яъни: «Қайси навкар ўз хизмати, ҳақ-бурчини унутиб, иш вақтида (меҳнатдан) юз ўғирар экан, ундай навкардан юз ўғирмоқ керак. Қайси навкар иш вақтида баҳона излаб, жангу жадал пайтида ижозат сўраб, қочишни мўлжалласа, бугунги ишни эртага қолдирса бунга ўхшаш навкарлар, номларини ҳам тилга олишга муносиб эмасдирлар. Бундай кишиларни парвардигори оламга топшириш зарур³».

Соҳибқирон салтанатида маънавий жазо усуллари ҳам яхши самара берган. Айниқса, сотқинлик энг оғир жиноят ҳисобланган. Ушбу юзасидан тадқиқотчи Х.Маматовнинг Темур тузукларига асосланиб келтиришича, бирор навкар душман билан келишиб, ўз эгасига мунофиқлик қилса, бундай навкар душман қўлига топширилган. Агар сипоҳий қисмлардан ёки амирлардан қайси бири ёв билан келишиб, ғаним сафига бирлашса, улар юртдан чиқариб юборилган, мамлакатда уларга ўрин берилмаган. Амир Темур адолатсизлик, ҳуқуқбузарлик содир қилганлар учун жазо тайинлашда қонунчилик, адолат ва инсонпарварлик принципига асосланган ҳолда сиёсат юритганки, бу жамиятдаги бошқа

¹ Р.Самаров, С.Ахроров, Ж.Холмўминов, С.Садриддинов. Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъати. – Тошкент. 2022. 235-бет.

² Яздий Шарафуддин Али. Зафарнома. – Тошкент. 1997. 131–132-бетлар.

³ Иноғомжонова З.Ф., Закурлаев А.К. Амир Темур даврида лашкар томонидан содир этилган жиноятларга жазо тайинлаш тизими // Амир Темурнинг ҳарбий санъатни ривожлантиришдаги роли (халқаро илмий конференция материаллари). – Тошкент. 2021. 106–109-бетлар.

шахсларни ана шундай салбий хатти-ҳаракатларини содир этишдан тўхтатишга имкон берган¹.

Темурийлар даври тарихчиси Ҳ.Дадабоевнинг “Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати” илмий асарида ёритилишича, тузилишига кўра Амир Темур армияси турк-мўғул халқлари учун анъанавий бўлган ўн, юз, минг ва туманларга (ўн минг) тақсимланган бўлиб, уларга ўнбоши, юзбоши, мингбоши ва туманбошилар сардорлик қилган².

Ҳарбий лавозимларга тайинлаш ва кадрларни зинапоя кўринишида ўсиб бориши бўйича ҳам буюк саркарда мукаммал тизим ярата олганини Темур тузуклари гувоҳлик беради. Унда айтилишича: «Амр қилдимки, қачонки асл сипоҳлардан иш кўрган, жанг-жадал билан суяги қотган ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан уни ўзларига бошчи сайлаб, ўнбоши деб атасинлар.

Ўн нафар ўнбоши жам бўлса, ўз ичларидан энг иш кўрган, жанг майдонларида тобланиб тажриба орттирган, баҳодирликда номи чиққан бировини амир қилиб, уни юзбоши этиб номласинлар. Агар ўн юзбоши йиғилса, амирзодалардан ақлли, шижоатли, баҳодир бир кишини амир этиб сайлаб, уни мингбоши десинлар ва амири ҳазора деб улуғласинлар.

Агар қарамларидаги бирон кимса ўлса ёки қочиб кетса, ўрнига янги кишини тайинлаш ўнбошиларнинг ихтиёрида бўлсин. Шунга ўхшаш юзбошилар ўнбошиларни, мингбошилар юзбошиларни тайин қилсин. Булардан ўлган, қочган, янги тайинланганлар бўлса, сабабларини айтиб, менинг арзимга етказсинлар³».

Шундай қилиб, ўнбошилар ҳалок бўлган ёки қочган жангчилар ўрнига хизматга аскар олиш ҳуқуқига эга бўлган. Юзбошилар ўзига бўйсунувчи ўнликка жангчилари томонидан сайланган ўнбошини, мингбошилар эса юзбошини тасдиқлаган. Ҳарбий кадрлар бўйича барча ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар шахсан Амир Темурга етказиб турилган.

Албатта, ҳарбий хизматчиларнинг жангда кўрсатган жасоратини рағбатлантириш тизими ҳам йўлга қўйилган. Бу тўғрисида Амир Темур қуйидаги тартибни қўллаган: баҳодирлар

¹ Маматов Х. Амир Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. – Тошкент. 2001. 117-бет, Темур тузуклари. – Тошкент. 1991. 89-бет.

² Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Тошкент. 1996. 14-бет.

³ Темур тузуклари. – Тошкент. 1991. 69–70-бетлар.

орасидан қилич чопишда ўзини кўрсатган шахс биринчи марта – ўнбоши, иккинчи марта – юзбоши, учинчи мартасида эса мингбоши қилиб тайинланган.

Амир Темурнинг шахсан ўзи саркардаларни танлаган ва тарбиялаган. ўнбоши, юзбоши, мингбоши ва туманбошиларни тўғри танлаш кўшиннинг жанговар муваффақиятини аниқлаб берган. Амир Темур тажрибали жангчиларга алоҳида эътибор берган. Кўпгина йирик жангларда иштирок этган ва ҳарбий ҳаракатларни ўзининг асосий машғулоти деб билган тажрибали жангчилар сафардан олдин бир жойга йиғилганлар. Улар давлат маошларини олувчилар рўйхатига киритилган.

Ҳарбий санъат сир-асрорларидан тўла воқиф бўлган, душман сафини пароканда қилиш йўл-йўриғини яхши эгаллаган, мушкул вазиятларда дадил ва тез ҳаракат қиладиган, ҳеч қандай тўсиқдан тап тортмайдиган, кўшинда содир бўлиши эҳтимоли бўлган тартибсизликни ўз вақтида бартараф эта оладиган истеъдод эгаларигина Темурбек томонидан лашкарбошиликка тайинланган¹.

Араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг бу тўғрисида маълум қилишича, Амир Темур Кичик Осиё фатҳидан сўнг, Грузия ҳудудидаги айрим тоғ қалъаларини эгаллашга киришади. Бу ҳудудда кўтарма кўприк орқали кирилувчи қалъа бўлиб, у жуда ноқулай жойда жойлашган эди. Соҳибқирон кўшини ҳар қанча урунса ҳам уни эгаллай олмайди. Охир оқибат ноумид бўлиб, қалъани эгаллаш фикридан воз кечиб, жўнаш тараддудига тушади. Темур кўшинида икки баҳодир жангчи бўлиб, улар қаҳрамонлик кўрсатишда ўзаро рақобатлашар эди. Жангчиларнинг бирисини исми Пирмуҳаммад бўлиб, у кечаси қалъа ёнига бориб, дарвоза очилишини ва кўприк туширилишини кутади, кўприк туширилгач эса қалъа муҳофаачилари билан жангга қиришади. Мадад етиб келгунга қадар Пирмуҳаммад грузинлар билан тенгсиз жангда ўн саккиз жойидан яраланади. Қиличлар жарангини эшитган Соҳибқирон аскарлари тезда етиб келиб, қалъани эгаллайди. Амир Темурга бу воқеани этишгач, уни даволатади ва кўмондон даражасига кўтаради².

Ҳукмдорнинг фармони билан номдор саркардаларнинг тўрттаси бекларбеги, яъни биринчи тоифа саркардалик

¹ Р.Самаров, С.Ахроров, Ж.Холмўминов, С.Садриддинов. Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъати. – Тошкент. 2022. 235–236-бетлар.

² Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Тошкент. 1992. 1-китоб. 297-бет.

лавозимларига тайинланар эди. Бир саркардага амир ул-умаро, бош қўмондон лавозими насиб қилар эди ва у бевосита Олий Бош Қўмондон – Амир Темурга бўйсунган¹.

Ҳарбий тарихчиларнинг таъкидлашларича, юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, маълум бир оператив-стратегик вазифани бажариш вақтида бир нечта туман «Қўшин» деб номланган бирлашмани (оператив-стратегик), бир нечта «Қўшин» эса «Қўшинот» деб номланган стратегик бирлашмани ташкил этиши мумкин эди.

Қўшинларни бошқариш учун ўн иккита саркарда (амир) тайинланган. Биринчи амир мингта жангчидан иборат қўшилмага сардор бўлган, иккинчи амир – 2 минг жангчидан иборат иккинчи қўшилмани бошқарган. 3 минг кишилиқ учинчи қўшилмага учинчи амир саркардалиқ қилган. Шу тартибда ўн иккинчи амир 6 мингдан – 12 минггача аскардан иборат бирлашмага қўмондонлик қилар эди. Амирлик тартибига қараб, бир амир иккинчисига ноиб (ўринбосар) этиб тайинланган, масалан, биринчи амир иккинчи амирнинг ноиби, иккинчи амир учинчи амирнинг ноиби, шу тартибда ўн биринчи амир ўн иккинчи амирнинг ноиби этиб тайинланган. Ўн иккинчи амир Амир ул-умаронинг ноиби, Амир ул-умаро эса Олий Бош Қўмондон – Амир Темурнинг ноиби этиб тайинланар эди. Қайси бир амирга бирор кор-ҳол бўлса, ўрнини ноиб эгаллаши белгиланган².

Демак, унинг томонидан боши танасидан жудо қилинган ёки жангда ҳалок бўлган саркарда ёки бошқа ҳарбий амалдор ўрнига мансаби бўйича ундан кейин турувчи шахс дарҳол вазифасини бажаришга киришиши белгилаб қўйилган, яъни турли вазиятда ҳар бир шахснинг вазифасини бажаришга шай ўринбосари бўлган.


Амир Темурга бўйсунган ўн икки даражали амирлар асосан унга тобе бўлган қирқта қабилаларнинг ўн иккитаси (барлос, тархон, арғин, жалойир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдус, туғой, қипчоқ, орлот, татар) орасидан сайлаб олинган. Хусусан, Темур тузукларида шундай дейилади:

«Ўн икки амирдан қайси бири душман фавжини синдирса ёки ғаним қўли остидаги бирор мамлакатни фатҳ этса, уни тақдирлаб, агар биринчи (даражали) амир бўлса, иккинчи (даражали),

¹ Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Тошкент. 1996. 15-бет.

² Р.Самаров, С.Ахроров, Ж.Холмўминов, С.Садриддинов. Соҳибкирон Амир Темур ҳарбий санъати. – Тошкент. 2022. 233-бет.

иккинчи бўлса, учинчи (даражали) учинчи бўлса, тўрттинчи (даражали) амир мартабасини берсинлар. Шу тартибда ўн биринчи (даражали) амиргача давом эттирсинлар. Агар ўн биринчи (даражали) амир бўлса, уни ўн иккинчи (даражали) амир қилиб, байроқ, туғ ва ноғора берилсин. Шу йўсинда биринчи (даражали) амирга битта туғ, иккинчисига – иккита туғ, учинчисига – учта туғ, тўрттинчисига – тўртта туғ ва ноғора бериб, уларни тумантуғ ва чортуғ (байроқнинг икки хили ёки амирларнинг даражасини билдирувчи учи ўткир найза) олиш мартабасига етказиб рағбатлантирсинлар¹».



Амир Темур амирлар меҳнاتини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, бирон мамлакатни фатҳ этган ёки душман лашкарини енгган амирни уч нарса билан муофотлаган: биринчиси – фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, уни баҳодир деб атаган; иккинчиси – уни давлат ва салтанат шериги билиб, кенгаш мажлисларига киргизган; учинчиси – унга чегара вилояти топширилган ва ўша ерлик амирлар унга бўйсундирилган.

Илмий адабиётлар ва тарихий манбаларда Соҳибқирон давлат ва қўшин бошқаруви, ўрнатилган ҳарбий интизом, кадр сиёсати ва сафарбарлик ҳақида кўплаб маълумотлар берилган. Албатта, Амир Темур замонасининг кучли ва энг жанговар қўшинини яратиб, уни такомиллаштириб борди. Қўшин таркиби ва тартибини, жанг олиб бориш усуллари аввалги ҳарбий ҳаракатларининг камчиликларини ҳисобга олган ҳолда мохирона такомиллаштириб боргани учун замондош саркардаларни лол қолдирди.

Ҳ.Дадабоевга кўра, ҳарбий юришдан олдин Темурбек аркони давлат, вазирлар, саркардалар, беклар, амирларни ҳарбий кенгаш – машваратга чорлаган. Айни чоғда давлатнинг турли вилоят ва

¹ Темур тузуклари. – Тошкент: 1991. 83-бет.

туманларидан, шунингдек тобе юртлардан қўшин тўплаш учун махсус буйруқ – *тунқол* эълон қилинган ва уни керакли жойларга юқори мансабдор, бош қўмондоннинг адъютанти – *товачи* (ёки тавочи) томонидан тезлик билан етказилган. Товачининг зиммасига аскар йиғишдан ташқари қўшин қисмларининг қароргоҳ ёки сафардаги ўрни, жанговар тартиб – *ясоли* ҳамда бир жойдан иккинчи жойга қўчишни назорат қилиш ҳам юклатилган эди.

Тунқолга асосан вилоят ҳокимлари, туман ёки шаҳар беклари, қалъа, қўрғон доруғаларининг (горнизон коменданти) Соҳибқирон томонидан тузилган рўйхат – *сонга* мувофиқ ўз жангчилари, зарур қурол-яроғи, озиқ-овқати, кийим-кечаги, от-улови ва ем-хашаги билан белгилаб қўйилган тўпланиш жойи – *миод ерига* ўз вақтида кечикмасдан етиб келиши, шовқин-суронсиз, тартиб-интизом билан кўрсатилган ўрин – *бўлжорда* жойлашиши шарт ҳисобланган¹.

Маълумки, ҳеч қайси давлат учун тинчлик даврида уруш давридагидек самарали жанг қилиш ҳажмидаги қўшинни ушлаб туриш иқтисодий томондан мақсадга мувофиқ эмас. Тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, уруш бошланиши билан қўшинлар сони ўн ва ундан ортиқ маротаба орттирилган.

Қўшинлар сонини кўпайтириш сафарбарлик асосида амалга оширилади. Амир Темур даврида сафарбарлик бошқача кўринишга эга бўлиб, уруш олдидан қўшинлар сафи фуқаролар билан тўлдирилган, кўнгиллилар қўшинлари тузилган, қўшинларда аскарлар ва отлар сони кўпайтирилган, қурол-яроғ ва анжом-аслаҳа ишлаб чиқариш ҳажми ортган, халқдан йиғиладиган солиқлар миқдори оширилган, уруш учун зарур бўлган моддий воситаларни йиғиш кўпайган.

Яна бир манбада келтирилишича, Амир Темур кўп сонли қўшинга эга бўлишида нафақат халқ орасидан олинган жангчилар, балки ўша даврдаги кичик қабилалардан ташкил топган ёлланма жангчилар Темурнинг қўшинида жанг қилиш шарафли эканлигини ва ундан кўп даромад тўплаш имкони борлигини билиб, ўз ихтиёрлари билан аскарликка кирганлар.

Амир Темур мунтазам қўшинни, яъни аскарларни доимий шайликка эга, аниқ белгиланган сонда ушлаб турди ва қўйилган вазифаларга, жанговар тартиб ва мақсадга эга қисм ва бўлинмаларни тузди. Манбаларда келтирилишича, Амир Темур

¹ Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Тошкент. 1996. 13-бет.

қўшинининг сони **200 000** дан ортиқ бўлганлигини келтирилган. У бундай катта қўшинни тўплашда амир ва бошқа ҳарбий мансаб эгаларининг имконияти йўқлигини инобатга олиб, бу масалани тезкорликда амалга ошириш мақсадида товачи мансабини жорий қилди.

Масалан, машҳур ўзбек манбашуноси академик Б.Аҳмедовнинг “Амир Темур” асарида берилишича, 1398 йилда Балх, Қобул, Ғазни ва Қандаҳорни идора қилган Темурни невараси Пирмуҳаммад ўз амир ва беклари билан Ҳиндистонга юриш бошлаб, Сулаймон тоғидаги афғон қабилаларини мағлуб этиб, Синд дарёсидан ўтади ва Уч шахрини (Покистоннинг Панжоб водийсида, Сатлеж дарёсининг чап соҳилида дарёдан 25 км шарқда жойлашган) қўлга киритгач, ҳаракатни давом эттириб Мўлтон шахрини (Покистон) қамал қилади. Элчи орқали бу хабарни эшитган Амир Темур Пирмуҳаммадни улкан бир мамлакат ва хавfli душман билан яккама-якка қолдириб бўлмаслигини англаб, товачи орқали сафарбарлик эълон қилади. Термизга эса мутасадди амирларни юбориб, Жайхун устига кемаларни бир-бирига занжирлаб кўприк қуришни буюради, кейинчалик бу кўприкдан Амир Темур қўшинлари ўтади ва Қобулда жамланади¹.

Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши давомида қўшинларининг сони бўйича бир қанча баҳсли фикрлар мавжуд. Бу борадаги маълумотлар Темур тузукларида қуйидагича баён этилган: Ҳиндистон юришига жамланган қўшинларим умумий сони **тўқсон икки минг** отликқа етган эди².

Мазкур ўринда замонавий рус ҳарбий тарихчиси Л.Бобровнинг фикрлари алоҳида эътиборга сазовор. Унинг айтишича, Амир Темур мамлакатнинг сафарбарлик салоҳиятини ташкил қилувчи Мовароуннаҳр ва қўшни ҳудудларнинг кўчманчи ва ўтроқ аҳолисини ўз армияси сафларида максимал даражада самарали қўллашга муваффақ бўлган. Жумладан, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг ўтроқ аҳолиси орасидан саралаб олинган жангчилардан пиёда камончилар (кейинчалик арбалетчилар) бўлинмалари тузилиб, улар чапарлар (катта қалқон) панасида жанг қилишга ўргатилган. Ўз навбатида, Темурга содиқ қабилалар кўп сонли ва яхши қурулланган отлик бўлинмаларни мунтазам

¹ Аҳмедов Б. Амир Темур. – Тошкент. 1995. 463–464-бетлар.

² Темур тузуклари. – Тошкент. 1991. 47-бет.

етказиб берган¹. Сафарбар этилган қўшинни ўз даврининг даҳо саркардаси ҳисобланган Соҳибқирон томонидан моҳирона жанговар сафланиши ва жангда қўлланиши эса ғалабалар гарови бўлган.

МУҲОКАМА

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўзбек ва хориж тарихчилари томонидан Амир Темур қўшинидаги ҳарбий интизом ва жазолаш механизми юзасидан етарлича илмий изланишлар амалга оширилган. Бироқ, унинг қўшинидаги кадр сиёсати ва сафарбарлик тизимини етарлича ўрганилмаган мавзулар қаторига киради. Масалан, товачининг фаолияти, турли миллат ва конфессиялар, кўчманчи ва ўтроқ аҳолидан пиёда ва отлиқ аскарларнинг саралаб олиниши, пул эвазига жанглarda иштирок этувчи тоифа, хунармандлар ва бошқа касб эгалари орасидан понтончилар, грек оловини отувчилар, чолғу асбоблари, қамал қуроллари усталари ва тўпчиларнинг тайёрланиши тўғрисидаги тадқиқотлар шулар жумласидан.

ХУЛОСА

Амир Темур армиясидаги темир интизом ва кадр сиёсатини чуқур ўрганишни давом эттириш орқали ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Зеро, буюк саркарда аждодимиз томонидан кўп миллатли давлатда адолат мезони асносида йўлга қўйилган ички тартиб-интизом, кадр иши ва сафарбарлик тизимини замонга мослаб ўзлаштиришимиз келгуси ютуқларга пойдевор бўлиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375 сонли «Ўсмирларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/4417961>.

2. Самаров Р., Ахроров С., Холмўминов Ж., Садриддинов С. Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъати. Масъул муҳаррир: Бўронов М. – Тошкент: “Маънавият”, 2022. 155-233 б.

3. Темур тузуклари. // Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрир. остида/. – Тошкент: “Ғафур Ғулом”, 1991. 47-105 б.

¹ Бобров Л. К вопросу о некоторых особенностях тактического искусства Амира Тимура // Universum Humanitarium. 2021. № 1. С. 34-35.

4. Яздий Шарафуддун Али. Зафарнома // Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков: Масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И. Шоғуломов ва бошқалар // Тошкент: «Шарқ», 1997. 131-132 б.

5. Иноғомжонова З.Ф., Закурлаев А.К. Амир Темур даврида лашкар томонидан содир этилган жиноятларга жазо тайинлаш тизими // Амир Темурнинг ҳарбий санъатни ривожлантиришдаги роли: халқаро илмий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ЎР ҚК Академияси, 2021. 106-109 б.

6. Маматов Х. Амир Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2001. 117-б.

7. Allabergenov, M., Mustafaeva, S., Ziyamukhamedov, J., Yusupov, S., Khalimova, F., Madrahimova, G., ... & Sattorova, Z. (2024). Intelligent Educational Environments and Ubiquitous Computing for Continuous Learning and Digital Literacy Development. J. Wirel. Mob. Networks Ubiquitous Comput. Dependable Appl., 15(4), 179-191.

8. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Масъул муҳаррир: Азизхон Қаяумов. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1996. 13-15 б.

9. Аҳмедов Б. Амир Темур. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. 463-464 б.

10. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан тарж. ва изоҳларни, сўз бошини У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. 1-китоб. – Тошкент: «Меҳнат», 1992. 297 б.

12. Madraimov, A. and et al. Handwritten Text Recognition in Ancient Manuscripts Using Convolutional Neural Networks (CNN). In 2025 International Conference on Computational Innovations and Engineering Sustainability (ICCIES) (pp. 1-6). IEEE.

13. Madraimov, A. and et al. (2025, April). Predicting Tourist Spending Behavior Using Bayesian Networks. In 2025 International Conference on Computational Innovations and Engineering Sustainability (ICCIES) (pp. 1-5). IEEE.

14. Madraimov, A., Isakulova, N., Xoshimova, D., Rasulova, I., Kurbanioyozova, R., & Yarashova, N. (2025, April). Chrono Linguistic Modelling through AI Driven Conceptual Frameworks. In 2025 International Conference on Computational Innovations and Engineering Sustainability (ICCIES) (pp. 1-5). IEEE.

15. Zokirov, B., Madraimov, A., Alimukhamedova, N., Allayarov, D., Qushnazarova, U., & Sattorova, Z. (2025, April). Classifying Historical Events Using Support Vector Machines (SVM) and Decision Trees. In 2025 International Conference on Computational Innovations and Engineering Sustainability (ICCIES) (pp. 1-6). IEEE.